



"УТВЕРЖДАЮ"
Гл.Инженер Управления
К.Рахимов

Молия вазирлиги Газначилиги ва УзРТСБнинг 2011 йил _____ декабрдаги
БА/31-01/4-32-12 _____ сон ва _____ соғли кушма хатларига илова


Товар (иш, хизмат)лар хариди тугрисида 2022 й. " _____ " Мартдаги _____ сонли
ЭЪЛОН (БУЮРТМАНОМА)

Буюртмачининг номи		УПРАДИК БВО "Амударё"					
Буюртмачининг шахсий ҳисобвараги		х/р 100010860334017042990123002					
Буюртмачининг юридик манзили		г.Ургенч ул. Аз.Замахшарий 63					
Буюртмачининг УзРТСБдаги электрон почта манзили		Upradik@mail/ru					
Мурожат учун телефон/факс		22-4-14-77					
Молиялаштириш манбаси. <i>Изоҳ: ✓ белгиси куйилиши шарт</i>		Бюджет маблаг		Бюджетдан ташкари маблаг		Давлат мақсадли ва бюджетдан ташкари жамғармалар маблаг	
№	Товар (иш, хизмат)нинг номи	Улчов бирлиги	Сони (микдори)	Нархи (сум)	Сотиб олиш қиймати	Етказиб бериш муддати	Товар белгилари, УзДСТ, нави, ёғлилиги, фирма номи ва бошқалар, ёки эквиваленти
1	Механизированная очистка по правому берегу на канале Шават в черте город Ургенч с ПК275+95 по ПК279+80	Услуг	1	62 087 446		25	
ЖАМИ:				62 087 446			
Транспорт хизмати нархи							
Контрактнинг максимал бошланғич нархи транспорт нархи билан бирга (лот нархи) *							
Етказиб бериш шартлари (товарни етказиб бериш, иш бажариш, хизмат курсатиш жойи)				Киличев Темура 94-259-55-44 Хоразм вилояти урганч шаҳраи Аз-Замахшарий №63 2-этаж кабинет ПТО			
Олдиндан тулов 15%, қолган 85% товар (иш, хизмат) етказиб берилгандан сунг ҳисоб-фактура (солиштирма далолатнома ва бошқа) асосида							
Тулов муддатлари				25			
Товар (иш, хизмат) сифат кафолат муддати				25			
Товар (иш, хизмат) учун қушимча талаблар							
Алоҳида шартлар <i>Изоҳ: Ушбу устунда буюртмачининг юқорида айтилмаган товар (иш, хизмат)лар хариди буйича барча талаблари курсатилиши шарт.</i>				Качественное и своевременное выполнение работ			
Савдолар утказиш шакли				БУЮРТМАНОМА		ЭЛЕКТРОН САВДО	
<i>Изоҳ: ✓ белгиси куйилиши шарт.</i>				ЭЪЛОН		КОНКУРС	
Савдоларнинг яқунланиш санаси						ТЕНДЕР	

Изоҳ: Электрон савдолар утказишда савдолар утказиш тугрисида эълонлар, улар тақдим қилинган кундан бошлаб бир кунлик муддатда махсус ахборот порталда бир вақтнинг узида электрон тизимда буюртманомани шакллантириш йули билан жойлаштирилиши шарт.

Етказиб берувчилар томонидан рақобатни чеклаб қуйувчи товар (иш, хизмат) параметрларнинг Буюртмачи эҳтиёжларига мувофиқлиги мазкур эълонда фақат давлат харидлари буйича Ҳукумат комиссияси руҳсати билан курсатилиши мумкин.

Мазкур буюртманома буйича тузилган савдо баённомаси қонун ҳужжатларига мувофиқ буюртмачи ва савдоларда қолиби томонидан савдолар қолиб аниқланган кундан бошлаб беш иш кунли мобайнида контракт тузишлари ҳамда ижро этишлари шарт.

Агент (УзРТХБ)нинг реқвизитлари *		Мижоз (буюртмачи)нинг реқвизитлари	
Топширик шартномаси "___" "___" 20__ й. ___-сон		Номи	Упрадик БВО "Амударё"
Номи _____		СТИР	201989013
СТИР _____		Раҳбар имзоси	
Имзоси _____			М.У.

* Изоҳ: - Буюртмачи логин/паролга эга бўлган тақдирда Агент реқвизитлари урни буш қолдирилади.



СТАДИКЛАЙМАН»

Упрадик бош мухандиси
Харид комиссиясининг раиси

Рахимов.К

№ 03 2022 йил

МУНДАРИЖА

- I Боб. Қатнашчига кўрсатма
- II Боб. Танловнинг тақлиф шакллари
- III Боб. Етказиб бериладиган маҳсулотлар(хизматлар)га нарх ва техник талаблар
- IV Боб. Тижорат қисми
- V Боб. Шартнома шакли

Механизированная очистка по правому берегу на канале «Шават» в черте г. Ургенч с ПК275+95 по ПК279+80; ишларини бажариш учун талаб этиладиган хизматлар ва ҳужжатлар рўйхати (танлов (тендер) лар 22.04.2021 йилдаги ЗРУ 684-сонли Конун асосида утказилади.

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ

Хоразм-2022 йил

А. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

А. Умумий маълумот

Танлов предмети
Мазкур танлов ҳужжатларида ишлатиладиган тушунчалар
Танлов комиссиясининг вазифалари
Техник ва тижорат таклифларини баҳолаш гуруҳининг вазифалари
Қатнашчига танловда қатнашиш учун қўйиладиган малака талаблари
Танлов доирасида ҳужжатларнинг махфийлигини таъминлаш

Б. Танлов ҳужжатлари

Танлов ҳужжатининг таркиби
Танлов ҳужжатларига аниқлик киритиш
Танлов ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

В. Танлов ҳужжатларини тайёрлашни

Танловда қатнашиш харажатлари
Танловда қўлланиладиган тил
Танлов таклифини ташкил қилувчи ҳужжатлар
Таклиф шакли ва нарх жадвали шакллари бўйича тушунтириш
Муқобил таклифлар
Танлов таклифини расмийлаштириш ва имзолаш

Г. Танлов таклифининг топширилиши ва очилиши

Танлов таклифларини муҳрлаш ва конвертларни белгилаш
Танлов таклифларини топширишнинг охириги муддати
Танлов таклифларининг очилиши

Д. Танлов таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш тартиби

Танлов таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш
Таклифларнинг мос келмаслиги

Е. Шартномани расмийлаштириш

Шартномани расмийлаштириш
Тўлов шартлари
Шартномани имзолаш

А. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1. Танлов предмети

Танлов комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида” 22.04.2021 йилдаги ЗРУ-684 сонли Қонунига асосан амалга оширади.

Танловни ташкил қилишнинг асосий мақсадлари куйидагилар:

Танловни ўтказиш очик турда бўлиб, **Механизированная очистка по правому берегу на канале «Шават» в черте г. Ургенч с ПК275+95 по ПК279+80**; ишлари бўйича танлов ўтказиш кўзда тутилган.

Тўпламлар сони: **25 кун давомида**

Хизматларнинг максимал нархи: **62 087 446 сўм.**

Танловга қўйилган товарнинг (хизматнинг, ишнинг) нархи қўшимча қиймат солиғисиз билан.

Ишлар танлов ҳужжатларининг тижорат қисмида жойлашган талабларига биноан бажарилиши лозим.

Хизмат кўрсатиш муддати: **25 кун.**

2. Мазкур танлов ҳужжатларида ишлатиладиган тушунчалар

Бюджет маблағлари ҳисобидан **Механизированная очистка по правому берегу на канале «Шават» в черте г. Ургенч с ПК275+95 по ПК279+80**; бўйича Танлов (кейинги ўринларда – Танлов) ўтказишдан мақсад

– мазкур Танлов ҳужжатлари талаблари асосида тизимни яратиб берадиган ташкилотни аниқлаш.

Танлов ўтказиш тартиби – бир босқичли.

Бюроетмачи – Упрадик БВО “Амударья”;

Манзили: Урганч шаҳар Аз-Замашарий №63

Танловни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул шахс – давлат харидлари бўйича мутахассис ПТО бўлими бошлиғи Киличев Т;

Тел.: (97) 791-50-68

3. Танлов комиссиясининг вазифалари:

-танлов ўтказиш тартиб-қоидаларини белгилайди;

-белгиланган тартибда танловни ўтказди;

-танлов талабгорларига тааллуқли барча ҳужжатларни тақдим қилиш, муддатини ўзайтириш тўғрисида қарор қабул қилиш;

-танлов бўйича келиб тушган таклифларни очиш санасини белгилаш;

-таклифлар билдирилган конвертларни очадди, уларнинг танлов ҳужжатлари билан белгиланган талабларга (тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги, уларнинг расмийлаштирилиши ва хоказо) мувофиқлигини текширади;

- талабгорлар томонидан тақдим этилган таклифларини кўриб чиқишда

- нархларнинг сунъий равишда оширилишини олдини олиш ва холисликка
- ҳамда конун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилиш;
- зарур ҳолларда комиссия фаолиятига мутахассис ходимлар жалб
- этилишини назарда тутиш;
- ғолиб деб топилган талабгорлар билан шартнома имзолаш бўйича таклиф
- беради.

Танловнинг ташкилотчиси - Ишчи гуруҳ. Унинг вазифасига қуйидагилар қиради:

- танлов ҳужжатлари ишлаб чиқилишини таъминлайди ва уларни
- ўрнатилган тартибда талабгорларга тақдим этади;
- танлов ўтказилиши тўғрисида республика товар хом ашё биржасининг
- www.etender.uzex.uz порталида эълон беради;
- танлов таклифларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилишини
- таъминлайди.

4. Техник ва тижорат таклифларни баҳолашда танлов комиссиясининг вазифалари:

- қатнашчиларнинг танловга тақдим этилган молиявий ҳужжатларини ва
- нарх таклифларини ўрганади, таҳлил қилади ва кўриб чиқади;
- энг яхши танлов нарх таклифини аниқлайди, ғолибни аниқлайди ва қарор қабул қилади.

Қатнашчи - мулкчилик шаклидан қатъий назар, танлов талабларида кўрсатилган товарларни етказиб бериш ва хизматларни кўрсатиш бўйича тажрибага эга бўлган ташкилотлар.

Қатнашчи:

- тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги
- учун жавобгарликни ўз зиммасига олади;
- фақат битта таклифни тақдим этиш ҳуқуқига эга;
- тақдим этилган таклифни тақдим этиш муддати тугамагунча қайтариб
- олиш ёки ўзгартриш ҳуқуқига эга.

5. Қатнашчига танловда қатнашиш учун қўйиладиган малака

талаблари

Танлов таклифларини тайёрлайди ва танлов комиссиясига тақдим этади. Уларнинг фаолиятини баҳолаш учун зарур бўлган қўшимча ахборотни тақдим этади (Танлов комиссиясининг сўровига кўра).

5.1. Танлов қатнашчиларини малакали танлови Танлов комиссияси томонидан амалга оширилади.

Танлов қатнашчилари қуйидаги ҳужжатлар ёрдамида малакали танланади:

- корхона ва ташкилотларнинг кичик ёки йирик бизнес субъектларига тегишлилиги тўғрисидага маълумотнома;
- нордик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи
- Гувоҳноманинг нусхаси;

- тегишли ваколатли орган томонидан берилган танлов талабларини амалга

ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нусхаси;

Давлат ташкилотлари томонидан саралаш босқичига тақдим этиш учун берилган хар бир маълумотномада талабгорнинг СТИРи кўрсатилган бўлиши ва танлов эълон қилингандан сўнг олинган бўлиши шарт.

5.2. Малакали танловдан ўтган қатнашчи танлов комиссиясига таклифларин Электрон Шақлда тақдим қилган бўлишлари керак. Таклифда талабгор номи, манзили ва Танлов комиссияси манзили, номи ҳамда иштирок этаётган лог раками кўрсатилган бўлиб, қатнашчининг ташкилий шакли (1-шақл);

- қатнашчи тўғрисида умумий маълумот (2-шақл);

- қатнашчининг тажрибалари тўғрисида маълумот (3-шақл);

- маҳсулотнинг ва хизматнинг техник тавсиф жадвали (4-шақл);

- маҳсулотни етказиб бериш, хизматларни кўрсатиш жадвали асли (5-шақл);

- танлов таклифи асли (6-шақл);

- маҳсулот, хизмат учун таклиф қилинаётган нарх асли (7-шақл);

5.3. Қатнашчи танлов таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш давомида сарфланган барча молиявий харажатларни ўз ҳисобидан қоплайди.

5.4. Танловда ғолиб чиққан тақдирда буюртмачи билан шартнома тузади.

Танлов ғолиби — таклифларни баҳолаш якунлари бўйича танловда энг паст нарх таклиф қилган танлов қатнашчиси.

Захирадаги қатнашчи — танлов ғолибидан кейинги ўринда турган паст нарх таклиф қилган қатнашчи.

5.5. Танловга қуйидаги қатнашчилар қўйилмайди:

- шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурслари мавжуд бўлмаган;

- шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эга бўлмаган;

- инсофсиз ижрочиларнинг ягона рўйхатида бўлган;

- имтиёзли солиқ режимини таъминлайдиган ва ёки молиявий

операцияларни (оффшор зоналар) амалга оширишда маълумотни ошқор

қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган ҳудудларда рўйхатдан ўтган ва банк ҳисоб рақамларига эга бўлган;

- аввал имзоланган шартномалар бўйича қелишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаган;

Буюртмачи қуйидаги ҳолларда иштирокчини харид тартиб-таомилларида қатнашишдан четлаштиради, агар:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита миқознинг хар қандай амалдаги ёки собик мансабдор шахсини ёки ходимини ёки бошқа давлат органининг хар қандай шақлда маблағ, иш таклифини ёки бошқа хар қандай қимматбаҳо

буюмларни ёки хизматларни таклиф қилиши, бериши ёки беришга рози

бўлганлиги - ёки харидорнинг давлат харидлари жараёнида харажатлари

юзасидан қарор қабул қилиши ёки хар қандай рақобат тартибини қўллаши;

- иштирокчи қонунга хилоф равишда адолатсиз рақобат устуңлиги ёки

манфаатлар тўқнашувига эга бўлса.

6. Танлов доирасида хужжатларнинг махфийлигини таъминлаш
6.1. Тушган таклифларнинг кўриб чиқиши, уларнинг танлов комиссияси аъзолари томонидан баҳоланиши тўғрисидаги ахборот махфий ҳисобланади ҳамда танлов тартиб-қондасига расман алоқадор бўлмаган шахсларга маълум қилинмайди. Танлов комиссияси аъзолари мазкур ахборот ошқор қилинганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Б. ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

7. Танлов ҳужжатининг таркиби

7.1. Танлов катнашчиси унга берилган танлов ҳужжатини ва шу билан бирга барча кўрсатмалар, шакллар, шартлар ва техник тафсилотларни тўлиқ ўрганиб чиқиши шарт.

7.2. Танлов ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган барча талаб қилинган маълумотларни бермаслик ёки таклифнинг танлов ҳужжатлари талабларига тўлиқ тўғри келмаслиги, таклифнинг қабул қилинмаслигига олиб келади.

8. Танлов ҳужжатларига аниқлик киритиш

8.1. Ҳужжатларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар Қатнашчи танлов ҳужжатларига қандайдир аниқлик киритиш учун танлов комиссиясига ёзма равишда мурожаат қилишлари мумкин.

8.2. Танлов комиссияси талабгорнинг сўровига қўра Танлов таклифларини тақдим этишининг сўнгги муддатидан камидан 3 кун олдин сўров манбасини кўрсатмаган ҳолда танловнинг барча катнашчиларига мажбурий тартибда жавоб юбориб, танлов ҳужжатларининг моҳияти ёки мазмунини билан боғлиқ саволга ёзма жавоб бериши шарт.

9. Танлов ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

9.1. Таклифларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар камидан 3 кун олдин танлов комиссиясининг комиссия қарорига мувофиқ талабгорларга маълум қилиб, таклифга тузатиш киритиш учун етарли бўлган вақт берган ҳолда, унинг муддатини узайтириб, танлов ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга ҳақлидир.

В. ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАНИШИ

10. Танловда катнашиш харажатлари

10.1. Танловда иштирок этиш ва танлов ҳужжатини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар катнашчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

10.2. Нарх таклифида кўрсатилган нарх танлов таклифи нархи ҳисобланади.

10.3. Танлов таклифи нархи миллий валюта - сўмда тўланиши лозим.

10.4. Маҳсулот (хизмат, иш) нархи(таклиф)га барча харажатлар, яъни солиқ ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар киритилади.

10.5. Катнашчи томонидан белгиланган нархлар маҳсулотни етказиб бериш (хизматларни кўрсатиш) мажбуриятларини охирига етказилмагунга қадар ўзгартирilmайди (танлов комиссиясининг нархларни тушириш бўйича музокаралар олиб бориш натижасида ўзгартиришлар киритилиши мумкин).

10.6. Нархларнинг ошишига қараб ўзгартириладиган нархларни кўзда тутувчи танлов таклифлари исталган босқичда, танлов талабларига жавоб бермайди деб қаралади ва танлов комиссияси томонидан кўриб чиқилиши рад этилади.

11. Танловда қўлланиладиган тил

11.1. Катнашчилар томонидан берилаётган таклифлар, Бююргмачи ва катнашчи ўртасидаги хатлар ва барча тегишли ҳужжатлар ўзбек тилида тайёрланади.

12. Танлов таклифини ташкил қилувчи ҳужжатлар

12.1. Танлов таклифлари бир асл нусхадан, фақат муҳрланган конвертда бўлиши лозим. Танлов комиссияси номини ва манзили кўрсатилган конвертда **5.2-бандда** келтирилган ҳужжатлар, йўлланма хат билан биргаликда қабул қилинади.

Конвертнинг юза қисмида иштирокчининг номи, боғланиш учун телефон рақамлари, юридик манзили ва танлов номи ва лоти кўрсатилади. Конвертда – маҳсулотни етказиб бериш жадвали, танлов таклифлари, маҳсулот учун таклиф қилинаётган нарх кўрсатилади.

12.2. Танлов комиссияси лозим бўлганда Танлов катнашчиларидан тақдим этилган Танлов таклифларини тасдиқлаш учун қўшимча ёки бошқа маълумотларни талаб қилиши мумкин.

13. Таклиф шакли ва нарх жадвали шакллари бўйича тушунтириш

13.1. Катнашчи танлов таклифини қатъий равишда мазкур танлов ҳужжатининг

II бобидаги шакллар асосида тақдим этиши лозим.

13.2. Танлов таклифи шаклларидаги барча бўш графалар танлов ҳужжатлари талаблари асосида тўлдирилиши зарур.

13.3. Катнашчи таклиф этилаётган маҳсулот (хизмат) учун нарх таклифини танлов таклифи шакли асосида тақдим этиши лозим.

14. Муқобил таклифлари

14.1. Паст техник (функционал) кўрсаткичларга эга бўлган маҳсулот (хизмат) кўринишида берилган танлов таклифлари кўриб чиқилмайди.

15. Танлов таклифларини расмийлаштириш ва имзолаш

15.1. Танловда иштирок этиш учун катнашчи танлов ҳужжатларини имзолаш ваколати бор бўлган ўзининг вакилини тайинлаши мумкин. Вакил томонидан имзолаш учун катнашчи ўз вакилига тегишли ишонч хати

бериши лозим, ишонч хати ташкилотнинг ваколатта эга шахси томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши керак.

Танлов иштирокчиларининг таклифлари ип билан тикилган, ракамланган, муҳр қўйилган ва иштирокчининг ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган ёки таклифларнинг ҳар бир varaғи имзоланган ҳолда тақдим этиш тавсия этилади.

15.2. Берилган таклифларда ёзув қаторлари орасига қўшиб ёзиш учун жой ташланиши ёки ўчирши ҳолатлари мавжуд бўлса, бу таклиф ўз кучини йўқотади ва рад этилади.

15.3. Танлов қатнашчисининг имзоланмаган, слимланмаган ва муҳрланмаган конвертлари кўриб чиқилмайди ва Танлов комиссияси томонидан рад этилади.

Г. ТАНЛОВ ТАКЛИФНИНГ ТОПШИРИЛИШИ ВА ОЧИЛИШИ

16. Танлов таклифларини муҳрлаш ва конвертларни белгилаш

16.1. Танлов қатнашчиси танлов таклифларини мазкур танлов ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилган ҳолда муҳрлаши керак.

16.2. Қатнашчининг танлов таклифи, танлов очилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун мобайнида ўз кучини сақлаши лозим.

16.3. Айрим ҳолларда танлов комиссияси танлов қатнашчисидан таклифнинг амалда бўлиш муддатини узайтиришни сўраши мумкин. Бу сўров ва жавоб хат (телеграмма ёки электрон) кўринишида расмийлаштирилади.

17. Танлов таклифларини топширишнинг охириги муддати

17.1. Қатнашчиларнинг танлов таклифлари etender.uzex.uz электрон савдо платформасида эълон берилган кундан бошлаб 5 календарь кундан кечикмасдан танлов комиссиясига топширилади (шанба, якшанба дам олиш кунни этиб белгиланади).

17.2. Танлов таклифларини топширишнинг охириги муддати ҳеч қандай шартда кўчирилмайди (9.1-бандида эслатилган тасодифий ҳолатлардан ташқари).

17.3. Танлов таклифларини топширишнинг охириги муддати 3 кун колтунга қадар танлов қатнашчиси ўз таклифларини қайтариб олиши ёки таклифга ўзгартриш киритиши мумкин.

17.4. Танлов қатнашчиси томонидан танлов ҳужжатларида талаб этилган маълумотлар тўлиқ тақдим этилмаслиги ёки мазкур танлов ҳужжатлари талабларига жавоб бермайдиган таклифлар (конвертларнинг ёпиштирилмасдан берилиши, шаклларнинг нотўғри тўлдирилиши, талаб қилинган ҳужжатларни тақдим этмаслик ва х.к) кўриб чиқилмайди ва рад этилади.

18. Танлов таклифларининг очилиши

18.1. Танлов таклифлари беришнинг белгиланган муддати тамом бўлгач белгиланган кундан 5 кундан кўп бўлмаган муддатда танлов комиссияси танлов таклифлари берилган конвертни очади.

Таклифлар билдирилган конвертлар, қатнашчилар ёки уларнинг тўлақонли вакиллари иштирокида очилади. Қатнашчилар вакиллари қатнашмаганлиги конвертнинг очилмаслигига ёки мазкур жараённинг қайта ўтказилишига асос бўла олмайди.

18.2. Конверт очилгандан кейин танлов қатнашчилари танлов комиссияси томонидан эътироф этилган ташкилотлар санаб ўтилади, танлов ҳужжатларининг талабларга мослиги ва шартларнинг тўлақонли бажарилиши текширилади.

18.3. Ҳужжатлар пакетида танлов ҳужжатларига қўйилмаган талаблар бузилганлиги аниқланган тақдирда, ҳужжатлар уларнинг мазмунни эълон қилинмасдан қатнашчига қайтарилади.

18.4. Танлов комиссияси мажлисининг натижалари баённома билан расмийлаштирилади. Баённомада танлов қатнашчилари томонидан эътироф этилган ташкилотлар санаб ўтилади. Шакл бўйича тақдим этилмаган ва танловга қўйилмаган таклифлар, баённомада улар рад этилишининг сабаблари кўрсатилган ҳолда алоҳида санаб ўтилади.

18.5. Танлов таклифлари билдирилган конвертларни очиш ва ғолибни аниқлаш тўғрисидаги баённома оммавий ахборот воситаларида эълон қилинмайди.

Д. ТАНЛОВ ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА ҒОЛИБЛАРНИ АНИҚЛАШ ГАРТИБИ

19. Танлов таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш

19.1. Танлов комиссияси танлов таклифларини техник, ташкилий-молиявий ва тижорат жиҳатдан баҳолаш танлов комиссияси аъзолари томонидан амалга оширилади.

19.2. Танлов таклифларини баҳолаш икки босқичдан иборат:

- техник, ташкилий-молиявий;

- тижорат.

19.2.1. Танлов таклифларини баҳолаш вақтида Танлов комиссияси танлов қатнашчисидан унинг танлов таклифлари борасида тушунтиришлар беришни сўраши мумкин.

19.2.2. Қатнашчиларнинг тижорат таклифларини барча учун тенг шартлар асосида ўтказиш мақсадида уларнинг танлов таклифларини баҳолашда, сифатли маҳсулот етказиб беришдан (хизмат кўрсатишдан, иш бажаришдан) иборат бўлган танлов таклифлари бўйича қонунчилик асосида қўшимча кўшилган қиймат солиғи тўловчилари томонидан солиқ суммаси киритиб ҳисоб қилинади.

19.3. Танлов қатнашчиларининг таклифларини молиявий баҳолаш, тижорат таклифларни баҳолаш мезони асосида аниқланади.

19.4. Танлов таклифларини қараб чиқиш муддати 5 кундан ошмайди.

19.5. Энг баланд балл олган қатнашчи ғолиб деб ҳисобланади.

19.6. Яқун чиқариш ва танловнинг ёлиби тўғрисидаги қарор танлов комиссияси томонидан қабул қилинади. Ғолибни танлашда Танлов комиссияси аъзоларининг яқка тартибдаги ҳулосасига асосланилади. Қарор танлов комиссияси аъзолари умумий сонининг оддий, кўпчилик овози билан қабул қилинади. Танлов комиссияси раисининг овози ҳисобга олинмайди фақат имзоси билан комиссия аъзолари қарорини тасдиқлаб беради.

19.7. Танлов комиссияси танлов ҳужжатлари шартларига мос келмайдиган ҳар қандай танлов таклифларини қабул қилиш ёки рад этиш ҳуқуқини Ўзида олиб қолади.

19.8. Танлов комиссиясининг сўровларига жавоб бера олмайдиган қатнашчилар томонидан тақдим этилган (берилган) ҳар қандай тушунтиришлар кўриб чиқилмайди.

Баённома йнгилишда иштирок этган аъзолар томонидан имзоланиши ва танлов комиссияси раиси томонидан тасдиқланиши керак.

19.9. Танлов ташкилотчиси танлов ёлибига танлов яқунлангандан кейин уч кундан кечикмай билдиришнома беради ва яқунларини Республика товар-ҳом ашё биржасининг www.etender.uz маҳсус порталида эълон қилади.

20. Таклифларнинг мос келмаслиги

20.1. Танлов ҳужжатларини текшириш чоғида аниқланган арифметик ҳатолар мавжуд бўлган тақдирда танлов комиссияси: қатнашчига танлов таклифига тузатиш киритиш имкониятини бериши; таклифларни баҳолашда, товар (хизмат, иш) нархи билан бирлик нархи ва сонини кўпайтириш натижасида олинган яқуний нарх ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлса, товар (хизмат, иш) нархи устуңлик қиладиган, умумий нархга тузатиш киритиладиган қарор қабул қилиши мумкин. Агар сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) билан рақамда кўрсатилган сумма (нарх) ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлса, у ҳолда сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) устуңлик қилади.

20.2. Агарда қатнашчи ҳатоларни тўғрилашдан бош тортса, унинг танлов таклифи танлов комиссиясининг қарори билан четлаштирилади.

20.3. Танловда иштирок этиш учун қатнашчи ҳуқуқи бошқа юридик шахсга ўтказилишига йўл қўйилмайди.

20.4. Танлов қуйидаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб эълон қилинади:

тегишли лот бўйича танлов таклифларини тақдим этишининг энг охириги муддатига тақлиф тушмаса ёки фақат битта тақлиф тушса;

барча танлов таклифлари танлов ҳужжатларига қўйиладиган талабларга мувофиқ бўлмаса;

барча танлов таклифларида танлов ҳужжатлари шартлари билан талаб қилинадиган ҳужжатлар мавжуд бўлмаса;

барча қатнашчиларнинг тақлиф этган нархлари товарнинг бошланғич қийматидан анча юқори бўлса.

20.5 Танловнинг бўлиб ўтмаган, деб эълон қилиниши танлов

қатнашчиларидан бирон-бирининг мулкй ёки бошқа жавобгарлигига олиб келмайди.

1. Танлов

Е. ШАРТНОМАНИ РАСМИЙ ЛАШТИРИШ

21. Шартномани расмийлантириш

21.1. Буюртмачи ва танлов ёлиблари ўртасидаги шартнома танлов ёлиблари тўғрисида республика товар-ҳом ашё биржасининг www.etender.uz маҳсус порталида эълон қилинган кундан бошлаб уч кун муддат ичида тузилади.

21.2. Агар Танлов ёлиби шартнома тузишни рад этса ёки белгиланган муддатда шартномани бажариш учун қафолат бермаса, у ҳолда Буюртмачи танлов комиссияси қарорига мувофиқ кейинги энг кўп баллга эга бўлган захирадаги қатнашчини танлов ёлиби деб эътироф этиши ёки такрорй танлов ўтказишни тайинлаши мумкин.

22. Шартномани имзолаш

22.1. Ғолиб қатнашчи 3 (уч) кун муддат ичида Буюртмачи билан шартнома имзолаши шарт.

22.2. Ғолиб деб топилган қатнашчи шартномани бажариш қафолатини муддатда бера олмаса кейинги энг кўп балл тўллаган захирадаги қатнашчи билан шартнома имзоланади.

23.3. Танлов ёлиби микдор, сифат ҳамда техник кўрсаткичлари бўйича шартнома талабларини бажармаса қонун доирасида (ёки шартнома талабларига асосан) жавобгарликка тортилади.

II БОБ. Танлов таклиф шакллари

1-шакл

№ _____-лот

Танлов катнашчисининг ташкилий тузилмаси

Танлов катнашчисининг ташкиллаштириш бўйича ишлаб чиқариш тузилмасини тақдим этинг: майдони, товар етказиб бериш (хизмат кўрсатиш, иш бажариш) бўйича ташкилий тузилмаси, манзили ва мулкчилик шакли (хусусий ёки ижарага олинган) кўрсатилган ҳолда.

ИЛОВЛАРНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТОПШИРИЛАЁТГАНДА ТАНЛОВ САВДОСИ КАТНАШЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУХРЛАНГАН БЎЛИШИ ШАРТ.

2-шакл

№ _____-лот

(Катнашчининг фирма бланкасида)

№ _____ ва _____ сана _____

Катнашчи тўғрисида умумий маълумот шакли

Танлов _____ савдолари _____ иштирокчисининг _____ номи: _____

Манзили _____ ва _____ телефон _____

раками: _____
Факс: _____

Юридик _____

акоми: _____

Ташкил _____ этилган _____ жойи _____ ва _____

санаси: _____

Фаолият _____ турлари _____ бўйича _____

ихтисослашуви: _____

Офиси _____ жойлашган _____ жойи _____ ва _____ Ўзбекистондаги _____

филиаллари: _____

Донмий ва вақтинчалик ишловчи ходимлари умумий сони, жумладан: _____

Донмий _____ ишловчи _____

(жами): _____

Вақтинчалик _____ ишловчи _____ ходимлар _____ (жами): _____

Вақтинчалик _____ ишловчи _____ ходимлар _____

Камида беш йиллик иш тажрибасига эга бўлган ходимлар сони, жумладан: _____

Донмий _____

ходимлар: _____

Вақтинчалик _____ ишловчи _____

ходимлар: _____

Танлов катнашчиси корхонасининг ташкилий тузилмаси, жумладан: _____

- корхонанинг ташкилий тузилмаси [филиаллари, худудий _____

бўлиналари, ишлаб чиқариш майдонлари ва бошқа шахобчалари]

- ишлаб чиқариш жойлари мавжудлиги (жами м²) [хусусий ёки ижара];
- омборхона жойлари мавжудлиги (жами м²) [хусусий ёки ижара];
- ишлаб чиқариш ускуналари

№	Техникаси номи	Сони	Ишлаб чиқарилган санаси	Сотиб олинган сана

Қатнашчи номи: [Қатнашчининг тўлиқ номини кўрсатиш]

Таклифга имзо чекувчи лавозими: [Таклифга имзо қўйган шахснинг лавозимини кўрсатиш]

Имзо: [Юқорида номи ва лавозими кўрсатилган шахс имзосини қўйинг]

Ушбу таклиф [Қатнашчининг тўлиқ номини кўрсатиш] кўрсатмаси ва номидан тегишли ваколат билан имзоланди.

Сана: [таклифга имзо қўйилган санани кўрсатиш]

ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТОПШИРИЛАЁТГАНДА ТАНЛОВ САВДОСИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУХРЛАНГАН БЎЛИШИ ШАРТ.

3-шакл

№ _____-лот

Махсулот(хизмат)нинг техник тавсиф жадвали

Иштирокчи: _____

№	Товарлар (хизматлар, ишлар)	Техник топирик талабларини бажариш учун махсулот номи	Маркаси	Ишлаб чиқарилган давлати
1	2	3	4	5

Танлов ном ва Лот рақами	
1	
2	

Қатнашчи номи: [Қатнашчининг тўлиқ номини кўрсатиш]
Таклифга имзо чекувчининг лавозими: [Таклифга имзо қўйган шахснинг лавозимини кўрсатиш]

Имзо: [Юқорида номи ва лавозими кўрсатилган шахс имзосини қўйинг]

Ушбу таклиф [Қатнашчининг тўлиқ номини кўрсатиш] кўрсатмаси ва номидан тегишли ваколат билан имзоланди.

Сана: [таклифга имзо қўйилган санани кўрсатиш]

ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТОПШИРИЛАЁТГАНДА ТАНЛОВ САВДОСИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУХРЛАНГАН БЎЛИШИ ШАРТ.

4-шакл

№ _____-лот

ТАНЛОВ ТАКЛИФИ

КИМГА: Танлов комиссиясига
Жаноблар!

Савдо учун олиниши (хизмат кўрсатиши) ушбу билан тасдиқланувчи

хужжатларни ўрганиб чиқиб, биз қуйида имзо чекувчилар, ушбу Танлов таклифининг бир қисми ҳисобланувчи ва таклиф этилаётган нарх-наво жадвали билан

тасдиқланувчи _____

_____суммадаги

(Танлов таклифининг умумий суммаси ёзма ва рақамларда)

кўрсатилган ҳужжатлар асосида етказиб беришни (хизмат кўрсатишни) амалга оширишни таклиф этамиз.

Бизнинг Танлов таклифимиз қабул қилинган такдирда, товар ва хизматлар учун Буюртмада келтирилган етказиб бериш (хизмат кўрсатиш) графиги асосида товарларни етказиб бериш (хизматларни кўрсатиш) мажбуриятини оламиз.

Бизнинг (_____) сўм зақалат пулмиз Шартнома шартларининг бажарилиш якунига қадар ва биз томонимиздан шу каби Шартнома шартларининг бажарилишига қаролат сифатида Танлов Буюртмачиси ихтиёрида туради.

Биз танлов таклифларининг очилган куни сифатида ўрнатилган (белгиланган) сандан бошлаб 30 (ўттиз) банк куни давомида ушбу танлов таклифлари қоидаларига риоя этишга розилик билдирамыз. Ушбу танлов таклифи биз учун мажбурий (хақиқий) бўлиб қолади ва кўрсатилган муддат ўтгунга қадар ихтиёрий вақтда қабул қилиниши мумкин.

Расмий Шартномани тайёрлаб ва уни расмийлаштиргунга қадар ушбу танлов таклифи, унинг қабул қилинишидаги Сизнинг ёзма тасдиқингиз ва Шартномага эга бўлганлигингиз ҳақидаги Сизнинг билдириш хатингиз билан биргаликда бизнинг ўртамиздаги хақиқий (мажбурий) Шартнома ролини бажаради.

Биз албатта инobatта оламизки (тушунамизки), Сиз ўта кичик ҳисоб қийматига эга бўлган танлов таклифини ёки умуман Сиз олган таклифлардан қайси биринидир қабул қилишга мажбур эмассиз.

Биз ҳар ойнинг иккинчи санасида, бутун етказиб бериш (хизмат кўрсатиш) даври мобайнида танлов савдоси шартларининг ижро этилиши ҳақидаги ахборот-маълумотларни тақдим этиб бориш мажбуриятини оламиз.

20 й. _____ ойнинг _____ санаси билан белгиланди.

_____ [имзо] _____ [лавозими]

_____ (савдо иштирокчисининг номланиши)

Қатнашчининг номидан ва топшириги бўйича Танлов таклифини имзолаш вақолатига эғалик қилувчи

ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТОПШИРИЛАЁТГАНДА ТАНЛОВ САВДОСИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУХРЛАНГАН БЎЛИШИ ШАРТ.

№ _____ -лот 5-шакл

Қатнашчи таклиф этган маҳсулотнинг (хизматларнинг, ишларнинг) нарх жадвали

Иштирокчи: _____

№	Маҳсулот (хизмат) номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Бир донасининг нархи	Умумий нархи
1.					
2.					

Етказиб берилаётган маҳсулот умумий қиймати жами: _____

ташқил этади. _____ сўмини

Изоҳ: маҳсулотнинг (хизматнинг, ишнинг) бир донаси ва умумий нархлари ўртасида фарқланиш аниқланилса, бундай ҳолда бир дона маҳсулотнинг нархига қаралади.

Қатнашчи номи: [Қатнашчининг тўлиқ номини кўрсатиш]

Таклифга имзо чекувчининг лавозими: [Таклифга имзо қўйган шахснинг лавозимини кўрсатиш]

Имзо: [Юқорида номи ва лавозими кўрсатилган шахс имзосини қўйинг]

Ушбу таклиф [Қатнашчининг тўлиқ номини кўрсатиш] кўрсатмаси ва номидан тегишли вақолат билан имзоланди.

Сана: [таклифга имзо қўйилган санани кўрсатиш]

Механизированная очистка по правому берегу на канале «Шават» в черте г. Ургенч с ПК275+95 по ПК279+80 бажариш учун талаб этиладиган хизматлар рўйхати

№	Наименование	Ед-изм	Кол-во
1	Механизированная очистка по правому берегу на канале «Шават» в черте г. Ургенч с ПК275+95 по ПК279+80	Услуг	1

III БОБ. ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИГАН МАҲСУЛОТЛАРГА ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРГА НАРХ ВА ТЕХНИК ТАЛАБЛАР

Умумий маълумотлар

1.1. Хизматларнинг тўлиқ номи: **Механизированная очистка по правому берегу на канале «Шават» в черте г. Ургенч с ПК275+95 по ПК279+80;** ишларини бажариш учун талаб этиладиган хизматлар рўйхати

Бажариладиган хизматларнинг бир ой давомидаги микдори 1-жадвалда келтирилган.

1.2. Буюртмачи: Упрадик БВО “Амударья”

1.3. Етказиб берувчи: Буюртмачи томонидан ўтказилган танлов натижаларига кўра етказиб берувчи аниқланади.

1.4. Хизмат кўрсатиш муддати: 2022 йил шартнома имзоланган вақтдан бошлаб ўн беш кун ичида.

1.5. Молиялаштириш манбалари: Ўзбекистон Республикаси БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ хисобидан.

1.7. Хизмат кўрсатувчи ташкилот; **Механизированная очистка по правому берегу на канале «Шават» в черте г. Ургенч с ПК275+95 по ПК279+80;** бажариш учун талаб этиладиган хизматлар рўйхати.

1.8. Иш кунни навабчилик асосида хар кун хисобланади.

2. Танлов валютаси

2.1. Танлов таклифлари Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси сўмда тақдим этилади.

3. Етказиб бериш шартлари ва муддати

3.1. Маҳсулотларни етказиб бериш, хизматларни кўрсатиш ва ишларни бажариш муддати шартнома тузилган санадан бошлаб 15 (ўн беш) кунгача деб белгиланади.

3.2. Олдиндан тўлов амалга оширилган кундан бошланади ва _____ 2022 йилгача давом этади.

4. Молиялаштириш шартлари ва жадвали

4.1. Аввалдан тўлов Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида умумий шартнома киймагининг 30%, қолган 70 % шартнома шартларига мувофиқ амалга оширилади.

5. Шартномани молиялаштириш манбаи

5.1. Упрадик бошқармасининг 2022 йил вақтинчалик харажатлар сметаси хисобидан амалга оширилади.

Маҳсулотни етказиб бериш (хизмат кўрсатиш, иш бажариш) бўйича тузилган Шартнома қонунчилик ҳужжатлари – Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мос бўлиши лозим.

V. ШАРТНОМА ШАКЛИ

-сонли шартнома
Ўзбекистон Республикаси

_____ тўғрисида

Урганч, ш

2022 йил “__” _____

Упрадик БВО “Амударья” номидан низоом асосида иш юритувчи бир томондан (бундан бўён магнда “Бажарувчи” деб юритилади) ҳамда _____ номидан низоом асосида иш юритувчи _____, иккинчи томондан (бундан бўён магнда “Буюртмачи” деб юритилади) қуйидагилар хақида мазкур шартномани туздик:

IV БОБ. ТИЖОРАТ ҚИСМИ

Механизированная очистка по правому берегу на канале «Шават» в черте г. Ургенч с ПК275+95 по ПК279+80;

бажариш учун талаб этиладиган хизматлар рўйхати

№	Наименование	Ед-изм	Кол-во
1	Механизированная очистка по правому берегу на канале «Шават» в черте г. Ургенч с ПК275+95 по ПК279+80	Услуг	1

Тижорат таклифлари баҳоси ва уни белгилаш тартиби

1.1. Хизмат кўрсатувчи ташкилотлар талаб қилинган маҳсулотлар учун нархларини ўзларинг ички имкониятларидан келиб чиқиб белгилайди.

Барча талаб қилинган хизматлар учун эҳтиёт қисмлар “Хизмат кўрсатувчи” ташкилот томонидан тўлиқ қопланади.

1.2. Маҳсулот (хизмат, иш) баҳоси (таклиф)га жумладан танлов, солиқлар, бюджет ва нобюджет жамғармаларга мажбурий тўловлар бўйича харажатлар кўшилиши лозим.

1.3. Иштирокчи томонидан ўрнатилган баҳолар етказиб беришни (хизмат кўрсатишни, иш бажаришни) тўлиқ амалга ошириш даврига белгиланиб, ўзгартирилиши мумкин эмас.

1.4. Қайси босқичда бўлмасин, баҳони кўтаришга йўналтирилган танлов таклифлари танлов савдолари талабларига жавоб бермайдиган хисобланиб, танлов комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Кўрсатиладиган хизматларнинг баҳоси ушбу шартноманинг иловасида кўрсатилади.

3.2. Буюртмачи тақдим этиладиган хизматнинг 15 фоизи микдорда олдидан тўловни амалга оширади ва маблағ Бажарувчининг ҳисобрақамига келиб тушган санадан бошлаб ушбу шартноманинг мажбуриятлари бажарилиши бошланади.

Кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китобнинг қолган қисми бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзоланганидан кейин уч иш кунни ичида амалга оширилади.

3.3. Хизматлар бўйича ҳисоб-китоблар банк ўтказмаси орқали Бажарувчининг ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

IV. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ

4.1. Шартнома шартлари ушбу шартнома ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади.

Агар томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган бўлса, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартномани бажаришдан бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши санаси ҳисобварақ-фактура тузилган кун деб ҳисобланади.

Ҳазначилик штампида кўрсатилган сана Буюртмачининг хизматлар учун тўловларни тўлаш бўйича мажбуриятларини бажарадиган кун ҳисобланади.

4.4. Буюртмачининг розилиги билан хизматлар муддатидан олдин тақдим этилиши мумкин.

4.5. Буюртмачи белгиланган муддатларни бузган ҳолда кўрсатилган хизматни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.6. Белгиланган микдордан ортиқ битта номдаги хизматни кўрсатиш ҳудди шу техник топшириққа киритилган бошқа номдаги хизматнинг қамчиликларини тўлдириш деб ҳисобланмайди, қамчиликлар тўлдирилиши лозим, Буюртмачининг олдиндан ёзма розилиги билан амалга ошириладиган ҳолатлар бундан мустасно.

4.7. Кўрсатилаётган хизмат тўғрисида Буюртмачининг маъсул ходимлари томонидан тақдим этилаётган хизматлар ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилган ҳисобварақ-фактура бўйича қабул қилинади.

Шартномада назарда тутилган хизматлар ушбу шартномага мувофиқ ёки ушбу шартномада белгиланган муддатларда ва ҳажмларда амалга оширилади.

Буюртма бевосита (қўлла), почта орқали ёки бошқа усул билан хизматларни кўрсатиш назарда тутилмаган сана бошланишидан беш кундан кечиктирмай тақдим этилади. Буюртма бевосита (қўлда) қабул қилганда, Бажарувчининг ходими Буюртмачида қоладиган буюртма нусхасида қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.8. Буюртмачи илгари берилган буюртмани бекор қилишга ёки хизматларнинг тегишли қисмини кўрсатиш санасини Бажарувчини буюртмада

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. “Бажарувчи” ушбу Шартнома иловасида кўрсатилган спецификацияга мувофиқ

мажбуриятини олади, “Буюртмачи” ушбу хизматларни ва товарларни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади. Кўрсатиладиган хизматларнинг катъий турлари, микдори ва баҳоси ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлган спецификацияда келтирилади.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 2.1. Буюртмачининг хуқуқлари:
- бажарувчидан техник шартларга лозим даражадаги хизматларни кўрсатишни талаб қилиш;
 - лозим даражадаги сифатда хизмат кўрсатилмаган тақдирда, ўз хоҳишига кўра қўйдагиларни талаб қилиш:
 - қамчиликларни бепул бартараф этиш ёки Буюртмачининг ёки учинчи шахснинг қамчиликларни бартараф этишга доир харажатларини қоплаш;
 - баҳосини мутаносиб равишда пасайтириш;
 - шартнома шартларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

- 2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:
- ушбу Шартнома шартларига мувофиқ кўрсатилган хизматларни қабул қилиш;
 - ушбу Шартноманинг 3.1 ва 3.2-бандларига мувофиқ кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш.

- 2.3. Бажарувчининг хуқуқлари:
- буюртмачидан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ва ҳажмда кўрсатилган хизматлар учун олдиндан тўлов ва якуний ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилиш;
 - буюртмачидан бажарилган ишни қабул қилишни асосиз равишда рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

- 2.4. Бажарувчининг мажбуриятлари:
- ушбу шартномага мувофиқ ёки Буюртмачининг ушбу шартноманинг 4.8-бандида белгиланган тартибда у томонидан тақдим этилган техник топшириққа биноан хизматларни белгиланган муддат, микдор ва сифатлар бўйича кўрсатиш;
 - агар хизмат кўрсатиш жараёнида Бажарувчи шартнома шартларидан ва техник шартлардан четга чиқса, Буюртмачининг талабига биноан уч кун ичида аниқланган барча қамчиликларни бепул бартараф этиш.

III. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

- 3.1. Ушбу шартноманинг баҳоси _____) сўм, ҚҚС билан (ҚҚС сиз).

кўрсатилган санадан камида бир кун олдин хабар берган ҳолда ўзгартиришга ҳақли.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Тақдим этилаётган хизматларнинг сифати, миқдори, уларнинг баҳоси Бажарувчи томонидан нотўғри белгиланганлик ҳолати аниқланган тақдирда, Бажарувчи тақдим этилаётган хизматларнинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб ишларини амалга оширади ва ушбу ҳисобланган суммага қўшимча равишда миқдорга нотўғри ҳисобланган сумманинг 20% миқдорда жарима тўлайди.

5.2. Агар тақдим этилаётган хизматларнинг сифати шартномада кўрсатилган техник ва бошқа шартларнинг талабларига жавоб бермаса, айбдор томон тақдим этилган сифати лозим даражада бўлмаган хизматлар баҳосининг 20% миқдорда жарима тўлайди.

5.3. Жарима ва пенядан ташқари, Бажарувчи Буюртмачига хизматларни тақдим этмаслик натижасида etkazилган зарарни қоплайди.

5.4. Хизматлар кечиктирилган ёки кўрсатилмаган тақдирда, Бажарувчи Буюртмачига ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, ammo жариманинг умумий миқдори кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани тўғри бажаришдан ва хизматларни кечиктириш ёки кўрсатмаслик оқибатида etkazилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

5.5. Кўрсатилган хизматлар учун тўловни ўз вақтида тўламаган тақдирда, Буюртмачи Бажарувчига ҳар бир кечиктирилган кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.6. Буюртмачи шартноманинг тегишли шартини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилганда, тегишли ҳаракат (ҳаракатсизлик) натижасида Буюртмачи томонидан шартнома шартлари бажарилмаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) юзасидан Бажарувчининг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади.

Буюртмачининг Бажарувчи айби билан шартномани бажармаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) натижасида etkazилган зарар, белгиланган тартибда Бажарувчи томонидан қопланади.

5.7. Томонларнинг ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Томонлар ўртасида ушбу келишувдан келиб чиқадиган низолар томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

6.2. Томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал қилилмаган низолар ҳал қилинади.

VII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

7.1. Агар ушбу шартнома тузилгандан сўнг, ушбу шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бирон бир томонини тўлиқ ёки қисман тўғри бажаришига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар юзга келса ва агар бундай ҳолатлар, яъни ёнгин, тошқин, зилзила, бошқа табиий офатлар, экспорт ёки импортга тўсиқлар ёки эмбарголар, уруш, жанговар ҳаракатлар, террористик ҳаракатлар, иш ташлашлар (томонлар ишчиларининг иш ташлашларидан ташқари), пандемия, амалдаги қонунчиликдаги ўзгаришлар, давлат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан қабул қилинган умумий характердаги қарорлар томонларнинг шартнома шартларини бажаришига бевосита таъсир қилса, тегишли мажбуриятларнинг бажарилиши вақти бундай ҳолатлар бартараф этилган вақтга ёки уларнинг оқибатлари тугаши вақтига кўчирилади.

7.2. Форс-мажор ҳолатлари юзга келган Томон, ушбу ҳолат ҳақида шунингдек, ҳолатнинг тахминий давомийлиги тўғрисида бошқа Томонни ёзма равишда 7 (етти) кун ичида хабардор қилиши шарт. Агар юқорида кўрсатилган ҳолатлар тўғрисида ўз вақтида хабар берилмаган бўлса, енгиб бўлмас куч таъсирида зарар etkazилган Томон ушбу ҳолатларни асос қилиб ололмайди.

7.3. Хабарномада кўрсатилган фактлар расмий манбалар томонидан берилган ҳужжатлар билан тасдиқланиши керак, шу жумладан, пресс-релизлар, бироқ улар билан чекланмаслик лозим. Бундай хабарноманинг йўқлиги, шунингдек тегишли далилларнинг йўқлиги ушбу томонни шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод қилинишига асос сифатида юқоридаги ҳолатларни келтириш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

7.4. Фавқулодда вазиятлар юзга келган тақдирда, томонлар зудлик билан ўзаро музокаралар олиб борадилар ва фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ёки бартараф этиш мақсадида кўриладиган чоралар тўғрисида келишиб оладилар.

7.5. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари томонларнинг ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қиладиган бўлса, томонларнинг ҳар бири бошқа томонга ушбу шартномани бекор қилишнинг қутилаётган санасидан 10 (ўн) иш кунини олдин ёзма равишда хабар юборганидан кейин ушбу шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолда томонларнинг ҳеч бири бошқа томондан форс-мажор ҳолатлари натижасида etkazилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли эмас. Шунингдек, Бажарувчи бажарилмаган мажбуриятлари учун Буюртмачидан олинган барча тўловларни Буюртмачига қайтаради ва Буюртмачи Бажарувчининг бажарилган барча мажбуриятларини тўлиқ тўлайди.

VIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ

8.1. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари ҳар қандай ноқонуний

устунликларга ёки бошқа ноқонуний максалларга эришиш учун бевосита ёки билвосита пул маблағлари ёки қимматликларни тўлашни амалга оширмайди.

8.2. Ушбу Шартнома мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари пора бериш/олиш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва халқаро ҳужжатларнинг талабларини бузадиган ҳаракатларни амалга оширмайдилар. Жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишга оид халқаро ҳужжатлар талабларини бузилиши каби ҳаракатларни амалга оширмайди.

8.3. Ушбу Шартнома Томонларнинг ҳар бири бошқа Томоннинг ҳодимларини ҳар қандай тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул маблағлари, совгалар бериш, уларга иш (хизматлар)ни бегул бажариши ва ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа усуллар билан ҳодимнинг рағбатлантирувчи томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатларни содир этишдан бош тортади.

Ҳодимнинг уни рағбатлантирувчи томон фойдасига амалга оширган ҳаракатлари деганда қуйидагилар тушунилади:

- бошқа контрагентлар билан таққослаганда асосиз устунликларни тақдим этиш;
- ҳар қандай кафолатлар билан таъминлаш;
- амалдаги тартиб-таомилларни тезлаштириш;
- ҳодим томонидан ўз вазифалари доирасида амалга оширилмаган, аммо Томонлар ўртасидаги муносабатларнинг шаффофлиги ва очиқлиги таъминланишига зид бўлган бошқа ҳаракатлар.

8.4. Агар Томонлардан бири мажбур шартноманинг 2-иловасида келтирилган коррупцияга қарши курашиш шартларини бузган ёки бузиши мумкин деб гумон қилса, иккинчи Томонни ёзма равишда хабардор қилишга мажбур. Ёзма хабарномадан сўнг, тегишли Томон ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини бузилиш содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги тасдиқлангунга қадар тўхтаб туришга ҳақли. Ушбу тасдиқ ёзма хабарнома юборилган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида юборилиши керак.

8.5. Ёзма хабарномада Томон контрагент, унинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари томонидан ушбу шартлар ва қоидаларнинг бузилганлиги ёки бузилиши мумкинлигини ишончли тарзда тасдиқлайдиган ёки асослаши мумкин бўлган фактларга таяниши ёки тегишли материалларни тақдим этишга мажбур, яъни пора олиш/бериш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бўйича халқаро ҳужжатлар талабларини бузадиган ҳаракатлар асослангандиқлиги лозим.

8.6. Шартноманинг тарафлари коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш тартиб-таомилларини тан олади ва уларга риоя этилишини назорат қилади. Бунда Томонлар коррупциявий фаолият билан шуғулланиши мумкин бўлган контрагентлар билан ишбилармонлик муносабатлари ҳавфини минималлаштириш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш максалида бир-бирига ўзаро ёрдам бериш учун оқилона ҳаракатларни амалга оширадилар. Шунингдек, Томонлар коррупциявий фаолиятга Томонларнинг иштироки

ҳавфини олдини олиш максалида текширувлар ўтказиш тартиб-таомилларини амалга оширилишини таъминлайдилар.

8.7. Томонлар ўзларининг содир этилиши мумкин бўлган ноқонуний хатти-ҳаракатлари ва ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларининг бузилиши контрагентнинг ишончлилиги рейтингини пасайтиришдан тортиб ушбу шартноманинг бекор қилинишигача бўлган ноқонуш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тан олади.

8.8. Томонлар махфийлик таъминловига риоя қилган ҳолда ушбу Шартномани бажариш доирасида келтирилган фактлар бўйича тегишли тартиб-таомиллар амалга оширилишини ва амалий қийинчиликларни бартараф этиш ва юзага келиши мумкин бўлган низоли вазиятларнинг олдини олиш бўйича самарали чораларни қўллашни кафолатлайдилар.

8.9. Томонлар ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларини бажариш бўйича тўлиқ махфийликни, шунингдек, талаблар бузилганлиги фактлари тўғрисида хабар берган Томон учун ҳам, шунингдек, хабар берган Томоннинг ҳодимлари учун ҳам салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

9.1. Ушбу шартнома Томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

9.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар ушбу шартноманинг барча шартлари бажарилганда ва ҳисоб-китоблар тўлиқ амалга оширилганда тугайди.

X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Ушбу Шартнома томонларнинг келишуви билан ёки Томонлардан бирининг талабига биноан, бошқа томон томонидан шартнома шартлари сезиларли даражада бузилган тақдирда суд томонидан бекор қилиниши мумкин.

10.2. Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай ўзгариш ва қўшимчалар фақат ёзма равишда тузилган ва тарафларнинг тегишли ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирда амал қилади.

10.3. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

10.4. Ушбу шартнома, унга киритилган ўзгаришлар (қўшимчалар) томонлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб оширилади.

XI. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

Бажарувчи:

Буюртмачи:
Упрадик БВО “Амударья”

Р/с: 100010860334017042990123002

Л/с: 23402000300100001010

Банк Центр банк г.Ташкент
реквизитлари:

Р/с:

МФО:00014
ИНН: 201122919
ОКЭД:22000

Банк реквизитлари:
МФО
ИНН:
ОКЭД:

Буюртмачи:

Буюртмачи:
Упрадик БВО «Амударья»

Бажарувчи:

Буюртмачи:

Упрадик Бво «Амударья»

2022 йил " " -сон шартномага
-илова

Коррупцияга қарши курашиш бўйича АСОСИЙ ШАРТЛАР

1. Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни тақлиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора, яъни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулккий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига қафолат беради.

2. Агар шартнома бўйича бир Тараф ХУкумат уйдан фойдаланиш бошқармаси ходимининг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид келадиган ҳатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиши керак:

“1008” ишонч телефони;

Telegram-канали («@anticorbot»);

Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилган шакл ёки электрон почта.

Изоҳ: Шартномадаги ушбу шартлар “ярим қора” шрифтида баён этилади.

Хоразм вилоят Урганч шаҳар
Аз-Замахшарий №63 уй
Харид комиссиясига

[Иштирокчининг номи ва почта
манзили]

2022 йил " " соат :00 гача (махаллий вақт билан)
ОЧИЛМАСИН

Механизированная очистка по правому берегу на канале «Шават» в черте г. Урганч с ПК275+95 по ПК279+80

Тақлифни келиб тушган санаси " " 2022 й.

Вақт соат. дақиқа

* Тижорат тақлифидан конвертларни қабул қилиш танлов комиссияси қотиби томонидан амалга оширилади:

Қиличев Т.;

Тел.: (97) 791-50-68

Тақлифли конвертни топширишда сизни ёнингизда шахсий туюхномангиз бўлиши керак.